



САМАРҚАНДАГА ТАШРИФ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар давлат вазири Мобашар Жавад Акбар жорий йил 31 октябрь кунин Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Меҳмон дастлаб Ҳазрати Хизр мажмуасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди. Буюк йўлбошчимиз қабрига гул қўйилиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирилди. Ислам Каримов руҳи покларига Қуръон тиловат қилинди.

Ислам Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси ва унинг тараққиёти йўлида мисли қўрилмаган ишларни амалга оширган буюк давлат арбоби, халқаро майдонда мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақаси манфаатларини муносиб ҳимоя қилган улўф сиёсатчи бўлгани таъкидланди.

— Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов вафоти Ҳиндистон ҳукумати ва халқини ҳам чуқур қайғуга солди, — дейди Мобашар Жавад Акбар. — Чунки Ислам Каримов нафақат Ўзбекистон раҳбари, балки халқаро майдонда юксак нуфузга эга, тинчликпарвар, доно сиёсатчи эди. Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларининг мустақамланишида Ислам Каримовнинг хизматлари жуда катта бўлди. Биз бу алоқаларни изчил давом эттиришга тайёرمىз.

Ҳиндистонлик меҳмонлар Самарқанд шаҳрининг қарийб уч минг йиллик тарихидан сўзловчи «Афросиёб» музейидаги ноёб экспонат ва ашёлар, дунёга машҳур деворий суратларни қизиқиш билан томоша қилди. Шаҳар ўрмиши акс эттирилган ҳужжатли фильм уларда катта таассурот қолдирди.

Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиш чоғида мазкур ёдгорлиқнинг яратилиш тарихи, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди.

Мирзо Улугбек ёдгорлик мажмуи ва шаҳардаги бошқа тарихий обидалар, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам Ҳиндистонлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Меҳмонлар бундай ноёб меъморий обидаларни бунёд этган буюк аждодларимиз ақлу заковати, уларни безавол асраб келатган бугунги авлоднинг тарихимизга муносабатига юксак баҳо берди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

Бизнинг номзодга овоз беринг! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ХАТАМЖОН АБДУРАХМОНОВИЧ КЕТМОНОВНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ



Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Абдурахмонович КЕТМОНОВ 1969 йилда Андижон вилоятининг Балиқчи туманида туғилган.

Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий, 1993 йилда Андижон давлат тиллар педагогика институтини тугатган.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 28-сонли ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1995-2004 йилларда Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бош мутахассиси, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимларида фаолият юритган.

2004-2013 йилларда Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари лавозимида меҳнат қилган.

Хатамжон Кетмонов вилоятда жамоат ташкилотларини ривожлантириш, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ечишда уларнинг ролини ошириш учун зарур шароитларни яратиш бўйича амалий чораларнинг ҳаётга татбиқ қилинишида фаол иштирок этди.

Унинг бевосита иштирокида вилоятда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўсиб келаётган ёш авлодини баркамол ривожлантириш, ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий онгини юксалтириш, фуқаролик бурчларини англашлари йўлидаги фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

2013 йилда Хатамжон Кетмонов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси этиб сайланди.

Ўтган давр мобайнида партиянинг марказда ва жойлардаги ташкилий кадрлар салоҳиятини сезиларли даражада оширди, партия электроратини ўйлантиратган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда партия ташкилотларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан ҳамкорлигини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширди.

2014 йилда у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты этиб сайланди.

2015 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновнинг дастури билан 2-бетда танишишингиз мумкин.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР 2017 ЙИЛГА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Авал хабар берилганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси томонидан киритилган 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Мазкур ҳужжат демографик омиллар ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари салоҳиятини ишга солиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ўзаро боғланган ва комплекс чора-тадбирларни кўзда тутди.

Дастурда 390 минг кишини доимий иш жойи билан, 200 минг кишини — қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилишда мавсуми ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини — шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликлари, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик орқали иш билан таъминлаш назарда тутилган.

Депутатлар томонидан ўтган

йиллардан фарқли равишда келгуси йил дастурининг параметрлари янада оптималлаштирилиб, ҳудудлар ва корхоналарнинг реал имкониятлари ҳисобга олинган алоҳида таъкидланди.

Жумладан, қурилиш ва инфраструктура ривожлантириш, туман ва шаҳарларда кичик саноат зоналари ташкил этиш ҳисобига иш ўринлари яратишнинг йўналишлари кенгайтирилган. Шунингдек, ушбу дастур лойиҳасини тайёрлашда 2016 йил давомида аҳоли бандлигини таъминлаш параметрларининг ижроси юзасидан депутатлар томонидан амалга оширилган парламент назорати якунлари натижа-сида ишлаб чиқилган тақлифлар эътиборга олинган.

Ушбу дастур лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йўналишларида атрофчи муҳокама қилиниб, бир қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича парламент назоратини янада кўчатириш, ҳар бир депутатнинг ушбу масалага масулиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланди. Мазкур тақлифлар инobatта олинган ҳолда 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури депутатлар томонидан қабул қилинди.

Зулайхо Ақромова,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

— 2017 йилда аҳоли бандлигини таъминлашга бўлган эҳтиёжни аниқлашда янгича ёндашувлар қўйилган. Жумладан, дастур лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳар

бир қишлоқ (маҳалла) бўйича демографик ҳолат бирма-бир ўрғанилган ва иш жойларига муҳтож бўлган аҳолининг ҳақиқий сони касб-ишлари аниқланган.

Натижада иш ўринлари яратиш имкони мавжуд бўлган соҳалар ва тармоқларнинг ички имкониятларини максимал даражада ҳисобга олган ҳолда ҳар бир туман ва шаҳар кесимида аҳоли бандлигини таъминлашга оид буортмалар шакллантирилган. Фракциямиз бундай ёндашувни аҳолининг бандлик даражасини ошириш ҳамда фуқароларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали ечимларидан бири, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Ахборот хизмати.

(Материал қисқартирилган ҳолда берилмоқда)

Навоий вилоятида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини юқори савияда ўтказишга пухта тайёргарлик қўрилмақда. Сайловчилар, айниқса, биринчи марта овоз бераётган ёшларнинг сайлов қонунчилигини хабардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган.

ВАТАНИМ КЕЛАЖАГИ УЧУН ОВОЗ БЕРАМАН

Биринчи Президентимиз раҳнамолигида халқаро демократик талабларга тўла жавоб берадиган миллий сайлов тизими яратилган, сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган меъёрлар фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашни, конституциявий ҳуқуқидан тўлақонли фойдаланишда юксак самаралар бермоқда.

Жорий йилнинг 4 декабрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлоvida 5-Навоий сайлов округидан 641 мингдан зиёд сайловчи овоз бериш қутилмоқда. Улардан 11 мингдан ортиги биринчи марта овоз берадиган ёшлардир. Округ сайлов комиссияси томонидан таълим муассасалари ва маҳалла-ларда ташкил этилаётган турли тадбир ва давра суҳбатлари ёшларнинг сайловга оид билиминини бойитишга хизмат қилмоқда.

Навоий шаҳридаги 31-сайлов участкасида сайлов кунин 42 ўғил-қиз биринчи марта овоз беради.

— Биз тенги ёшлар Ватанимиз келажаги учун муҳим аҳамият касб этадиган сайловда биринчи марта иштирок этамиз, — дейди Навоий давлат педагогика институтини қўшидаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқувчиси Жаҳонгир Қосимов. — Тўғриси айтсам, бу кунини оряқиб кутмоқдам. Сайловда иштирок этиш масъулияти жуда катта экан. Конституциямизда белгиланган ҳуқуқимдан фойдаланиб, юртимиз келажаги учун овоз беришимдан фахрланаман. Сайлов участкасида яратилган шароитлардан фойдаланиб, сайловга оид адабиётлар билан танишиб чиқдим. Сайлов кунин юртимиз келажаги учун хизмат қиладиган муносиб номзодга овоз бераман.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.

САЙЛОВ — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ сайлов жараёнларида фаол иштирок этади

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ёритиш бўйича видеоконференцалоқа шаклида «Оммавий ахборот воситалари ва сайловолди ташвиқоти» мавзусида амалий семинар ўтказилди.



Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган семинар.

Анжуманда таъкидланганидек, оммавий ахборот воситалари эркин демократик сайловларни ўтказишнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Сайлов жараёнида барча фуқароларга сайловда иштирок этаётган сиёсий

партиялар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастури, шунингдек, сайлов жараёнининг мохияти ҳақида тўлиқ ахборот олиш шарт-шароитлари яратилади.

Сайловолди ташвиқоти ўтказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Шу сабабли Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан келиб тушган тақлиф ва истакларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ҳамда «Ёшлар» теле ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 ҳудудий телеканалида 206 дақиқа, «Тошкент» телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратди.

Номзодларга «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида 6 саҳифадан, «Нурлы жол» ва «Овози тожи» газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилди. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 маҳаллий газеталарда ҳар бир номзод учун

55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади.

Таъкидланганидек, сайловолди кампаниясида оммавий ахборот воситалари номзодлар учун ошқоралик ва очиклик муҳитини яратишга кўмаклашишлари, улар билан боғлиқ ҳар қандай очик ахборотни тезкорлик билан, ҳақонийлик, тенглик ҳамда ҳолислик асосида тарқатишлари талаб этилади.

Бунда пулли эфир вақтини ёки чоп этиш майдонини ажратиш билан боғлиқ муносабатлар оммавий ахборот воситалари ва сиёсий партиялар ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, номзодлар ва сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

Семинар эркин фикр алмашиш тарзида ўтди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз.



Обуна давом этмоқда

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган корхоналардан биридир. Сўнгги йилларда корхонада кенг қўламли реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилди. Натижада меҳнат унумдорлиги ошди, маҳсулот турлари кўпайди, сифат даражаси эса юксалди. Бу ерда газеталаримиз муҳлислари ҳам оз эмас. Ҳар йили корхонанинг кўплаб ишчи-хизматчилари газеталаримизга обуна бўлишади.

— Биз партиямиз нашрларида босилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мавзулардаги мақолаларни қизиқиб ўқиймиз. Айниқса, партия ҳаёти, парламент янгилликлари тўғрисидаги мақолаларни доим кузатиб борамиз, — дейди ЎзХДП фаоли, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати Шухратжон Нишонбоев. — Келгуси йилда дунёдаги сиёсий воқеалар, нефть маҳсулотларига эҳтиёж ва уларнинг нарх-

навоси, иқтисодиётимиз ривожини тўғрисида таҳлилий мақолалар кўпроқ ёритилса яхши бўларди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси ҳозиргача 2017 йил учун «Ўзбекистон овози» газетасига 200 нусха, «Голос Узбекистана» газетасига 100 нусха йиллик обуна бўлди.

Муҳаммадхон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ
ИМКОНИАТЛАР

ИСТАК ВА ИШОНЧ

2016 йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон аввало, бандлик масаласини ҳал этиш, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, халқимиз турмушини янада фаровонлаштиришга хизмат қилади. Унинг ҳар бир банди муҳим ва ҳаётий аҳамиятга эга.

2017 йилнинг 1 январидан бошлаб ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этиладилар.

Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти деганда нима тушунилади? Тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритиб, фойда олишни кўзлашни тушуниш мумкин. Нима учун давлат рўйхатидан ўтилмайди? Сабаби кўп: расмийлаштириш билан боғлиқ ҳужжатлар, харажатлар, югур-югурлар кўп, рўйхатдан ўтса, катта миқдорда солиқ тўлаш керак, деган тушунчалар мавжуд. Аслида ҳам шундайми? Асло йўқ.

Ҳозирги кунда давлат рўйхатидан ўтиш учун интернет орқали 30 дақиқа, шахсан ўзингиз борсангиз кўпи билан 2-3 кун, ёки 5 кун кетар. Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтишнинг афзал томони — вақтингиз тежалди, йўлқира учун сарфланган харажатларнинг фойдага қолади, энг асосийси, маъсул шахслар эшиги олдида сарғайиш чекланади. Шу боис ҳам 2016 йил давомида интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтган яқна тартибдаги тадбиркорларнинг сони шу кунга қадар 20294 тага етди. Шу билан бирга, рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш учун «Ягона дарча» тамойили асосида идора-идора югуришларга ҳам чек қўйилди, десак бўлмага бўлмайди. Давлат рўйхатидан ўтиб, янги иш бошловчи тадбиркор 6 ой муддатга солиқлар

Ҳозирги кунда давлат рўйхатидан ўтиш учун интернет орқали 30 дақиқа, шахсан ўзингиз борсангиз эса кўпи билан 2-3 кун, ёки 5 кун кетар. Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтишнинг афзал томони — вақтингиз тежалди.

тўловидан озод қилинади, яъни ўзини тиклаб олиши, бизнесни йўлга қўйиб олиши учун имтиёз яратилган.

Ўз юртининг гуллаб-яшнашини хоҳлаган ва бунга ҳисса қўишни ўзининг бурчи деб билган ҳар бир инсон учун тадбиркорлик катта имкондир. Тадбиркорлар аниқ ҳисоб-китобни яхши кўришади. Келинг, бир ҳисоблаб кўрайлик, сиз ноқонуний фаолият юритсангиз қанча зарар кўрасиз-у, қонуний тадбиркор бўлсангиз қанча фойда кўрасиз? Юқоридаги Фармонда келтирилган чора-тадбирларга кўра, ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини биринчи марта содир этган шахслар маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилишлари учун бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаб беришлари шарт.


Етказилган зарар нимадан иборат бўлади? Бу сиз ноқонуний фаолият юритган ҳар бир ой учун тадбиркор сифатида тўланиш лозим бўлган солиқ миқдорининг умумий жамламасидир. Яъни масалан, чакана савдо фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлар Тошкент шаҳрида қонуний фаолият юритишда энг кам ойлик иш ҳақининг 9 баравари, яъни 1347975 сум миқдорига солиқ тўлайди. Дейлик, сиз ноқонуний чакана савдо фаолияти билан 3 ойдан бери шуғулланаётган бўлсангиз, етказилган зарар сифатида юқорида қайд этилган солиқ миқдорининг 3 баравари миқдоридидаги суммани бир ой ичида қоплаб беришингиз лозим бўлади. Бундан ташқари, шу бир ой ичида тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтишингиз, рухсат этувчи зарур ҳужжатларни ҳам расмийлаштиришга улгуришингиз лозим бўлади.

Энди ўйлаб кўринг, ноқонуний тадбиркорлик билан шуғулланиб, катта миқдордаги етказилган зарарни бир ой ичида қоплаб берган маъқулми, ёки давлат рўйхатидан ўтиб, 6 ой солиқ тўловидан озод этилиб, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишдан кўрмасдан хотиржам фаолият юритган афзалми?

Албатта, қонунга итоат этиб, хотиржам меҳнат қилиб, бойлик топиб, элимизга мададкор бўлиб юришга нима етсин. Юқорида қайд этилганидек, қонуний тадбиркор бўлиш учун ҳозирги даврда фақат истак керак, ишонч керак. Фаолиятингиз йўлида ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, йўлингизга гов бўлаётган тўсиқларни олиб ташлашни эса давлат кафолатламақда.

Дилфуза АБУЛХАСАН,
Республика Савдо-саноат
палатаси мутахассиси.

■Тадбиркорлик ривожланса, янги иш ўринлари кўпаяди, бандлик муаммоси ечимига хизмат қилади, ижтимоий ҳимоя кучаяди, аҳоли турмуши фаровонлашади.



Ўша суратлари.

ҲАР БИР САВОЛ, ҲАР БИР
МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирокида очик мулоқот бўлиб ўтди. Анжуманда 2016 йил 5 октябрда имзоланган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон ва унинг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Ушбу фармоннинг партияимиз электроти учун аҳамиятли томони шундаки, тадбиркорлик ривожланса, янги иш ўринлари кўпаяди, бандлик муаммоси ечимига хизмат қилади, ижтимоий ҳимоя кучаяди, аҳоли турмуши фаровонлашади.

Анжуман онлайн тарзда ташкиллаштирилиб, унда «Темирйўлчилар» ва «Авиасозлар» маданият саройлари, Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган академик лицейи, Тиббиёт ходимларининг маъласини ошириш институти, Тошкент давлат педогогика ва Тошкент давлат ахборот технологиялари университети, Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамда Алишер Навоий номидаги киночилар уйи, «Туркис-тон» санъат саройи ҳамда 505 ма-

халла фуқаролар йиғинларига тўпланган 40 мингга яқин тадбиркор қатнашиш имконига эга бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Давлат солиқ ҳамда Божхона қўмиталарининг раҳбарлари ва маъсул ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Парпиев, Ички ишлар вазири А.Аҳмадбоев ва бошқалар таъкидлаганидек, бу фармонда тадбиркорлик субъектларига кенг эркинлик бериш, хусусан, уларнинг фаолиятига ҳар қандай аралашувни чеклаш, ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишни таъминлаш давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлаб қўйилди.

— Ҳозир ҳар бир корхона, ҳар бир тадбиркор экспорт имкониятидан тўлиқ фойдаланиши керак, — дейди «Зиё барака текс» оилавий корхонаси раҳбари Меҳринос Исмолова. — Мазкур фармон асосида иш тўтсак, бунга эришамиз деган умиддамиз. Фаолиятимиз давлат ҳимоясида эканини ҳис қилиш кишига куч-қувват бахш этади. Янги имтиёзлар берилиб, янада кенг имкониятлар яратилаётгани файратимизни ошириб, ишонч билан ишлашга қорлайди. Ушбу фармоннинг биз тадбиркорларни хурсанд қилган томони шундаки, эндиликда фаолиятимизга аралашувлар йўқолади, яъни тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб бекор қилинади.

— Тиббиёт соҳасига тегишли янги корхона очдик, — дейди Носир Маҳсумов. — Яқин кунларда иш бошлаймиз. Фармонда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўллаб-имтиёзлар белгиланибди. Бу имкониятлардан унумли фойдалансак,

яқин келажакда корхона қуввати ошади, янги иш ўринлари яратилади. Фармонга биноан илк бор ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъекти, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф этса, корхона раҳбарияти ва унинг ходимлари жавобгарликдан озод қилинар экан. Мазкур ҳолат тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахсларга ҳам тааллуқли экан. Демак, мазкур шахсларга фаолиятини қонунга мувофиқлаштириш имконини беради. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби жиноий жазони қўллаш тақиқланиши ҳам ҳар томонлама адолатли бўлди, деб ўйлайман.

Анжуман давомида фармонга асосан ишлаб чиқилган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида ташкил этиладиган Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллик институти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Очик мулоқот иштирокчилари фармон юзасидан ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга мутасадди раҳбарлардан тўғридан-тўғри жавоб олишди.


Мазкур очик мулоқотнинг яна бир қулай жиҳати шунда бўлдики, видеоконференцалоқа тизими орқали пойтахтимизнинг барча туманларида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари вакиллари ҳам мулоқотга қўшилиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуровори И.Абдуллаев, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов сўзга чиқди ва тадбиркорларнинг қатор саволларига жавоб беришди.

Шаҳбоз САИДОВ

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁЕВРОПА
ИТТИФОҚИ ВА
КАНАДА

эркин савдо ҳақидаги
келишувни имзолади



Европа Иттифоқи ва Канада Брюсселдаги саммитда эркин савдо ҳақида келишувни имзолади, деб хабар бермоқда ТАСС ахборот агентлиги.

Хужжат томонлар ўртасида бож тўловларининг бекор қилинишини кўзда тутди ҳамда Канада ва Европа Иттифоқининг 28 давлати парламентлари ратификация қилган қучга қиради.

Ушбу келишув АҚШ ва Европа Иттифоқи ўртасидаги эркин савдо келишувининг прототипи сифатида қаралмоқда. Европа Иттифоқи унга қаршилик кўрсатганлар билан алоқаларни тўхтатмоқда.

25 ЙИЛ ИЧИДАГИ
ЭНГ КУЧЛИ

зилзила қайд этилди



Италиянинг марказий қисмида кузатишган 6,5 магнитудали ер қимирлаши 1980 йилдан бери содир бўлган энг кучли зилзиладир. Бу ҳақда РИА-новости ахборот агентлиги хабар қилмоқда.

Зарур чораларни қабул қилиш учун Италия Вазирлар кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда барча вайрон бўлган ерлар, жумладан, уй ва черковларни қайта тиклаш таъкидланди.

Геофизика ва вулканилик миллий институти маълумотида кўра, 6,5 магнитудали зилзила маҳаллий вақт билан соат 07:41 да қайд этилган, унинг эпицентри Норча шаҳри марказида бўлган. Унинг кетидан 20 дақиқа ичида иккита 4,6 ва 4,1 магнитудали ерости силкинишлари содир бўлган.

Ер юзасидаги силкинишлар бутун Италия бўйлаб, жумладан, Рим ва бошқа йирик шаҳарларда ҳам аққол сезилган. Италия фуқаролар муҳофаази хизмати қайд этишича, табиий офатлар оқибатида 20 киши ҳалок бўлган.

ҲАВОСИ
МЕЪЁРДАН 42
МАРТА

кўпроқ ифлосланган



Хиндистон пойтахти Янги Дехли шаҳри ҳавосининг ифлосланганлик даражаси меъёрдан 42 мартага ошиб кетди, деб ёзмоқда Hindustan Times нашри. Бунга оловлар фестивали — Дивали сабаб бўлган.

Ўтган дам олиш кунлари маҳалкатнинг асосий байрамларидан бири — Дивали кенг нишонланган. Унда асосан пиротехника воситаларини портлатиш, фейерверклар учуриш амалга оширилади. Шу сабабли шаҳар қуюқ тўтун остида қолган.

Тегишли комиссия маълумотларига кўра, PM10 кўрсаткичи (ҳавода диаметри 10 микрометрлик зарралар улуши) бир куб метрга 4273 микрограммни ташкил этган.

Экспертларнинг фикрича, ҳавода бу каби зарраларнинг бўлиши астма ва юрак хасталиклари билан касалланган беморлар, шунингдек, болалар ва кексалар учун жуда хавфлидир.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЙМОҚДА



Навоий вилоятидаги 561 саноат корхонасининг 33 таси томонидан экспортга мўлжалланган маҳсулотлар тайёрланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг вилоят филиали кўмагида июль ойда 9 корхона 26114,60 минг АҚШ доллариға тенг маҳсулот ва хизматларини экспорт қилган.

Хусусан, «Karmana Gips Mahsulotlari» ҚК МЧЖ 194,20 минг АҚШ доллари миқдоридида курилиш молларини, «Бахт Текстиль» қўшма корхонаси МЧЖ эса 6912,00 минг АҚШ долларлик калава экспорт қилди. Бундан ташқари, «Bright Navoi textile» МЧЖ, «Navbahor tekstil» ҚК МЧЖлар ҳам жамғарма

сай-ҳаракати билан ўз маҳсулотларини экспорт қилишга эришди.

«Nur-Sulton-Asat» МЧЖ экспорт шартномаси тузишда муаммага дуч келган эди. Жамғарма кўмагида ушбу муаммо ҳал этилгач, корхона 127,0 минг АҚШ долларлик маҳсулотни хорижа жўнатди.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспортига ихтисослашган «Zafar Temur Export Import» хусусий корхонаси, «Навоий Самарқанд савдо» МЧЖ ҳамда «Xatirchi Export Import» ХКга экспорт шартномаси тузиш ва рўйхатга қўйишда кўмак берилиб, улар ҳам ўз маҳсулотларини экспорт қилди.

Жамғарманинг амалий, ҳуқуқий ва консўльтатив кўмаги натижасида жорий йилнинг ўтган 9 ойда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг жами 26114,60 миллион АҚШ доллариға тенг маҳсулотлари экспорти амалга оширилди.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



«Ўзбекистоннинг ЕТТИ МЎҶИЗАСИ»

ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ZiyoNET ресурс маркази «Ўзбекистоннинг етти мўҶизаси» акциясини ўтказди. Ушбу акция учун мамлакатдаги 374 диққатга сазовор жойлар танлаб олинди. Бу ҳақда «Info.com.uz» хабар берди.

Энг кўп овоз олган етти-та объект расмий равишда «Ўзбекистоннинг етти мўҶизаси» сифатида эълон қилинди. Булар:

Регистон ансамбли (Самарқанд)
И.В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон санъат музейи (Нукус)
Тошкент телеминораси (Тошкент)
Симпозимлар саройи (Тошкент)
Мирзо Улуғбек расад-хонаси (Самарқанд)
Ичан-Қалъа (Хива)
Амир Темуր мақбараси (Самарқанд)

Мазкур акциянинг тақдирлаш маросими Ўзбекистон миллий кутубхонасида INFOLIB-2016 ҳафталиги доирасида бўлиб ўтди. Унда етти мўҶизага киритилган объектлар раҳбарларига эс-далиқ ёрлиқлари топширилди.

ЁШЛАР

Кореядаги Инха университетиди таълим олишадиган

2016 йилнинг 4 ноябридан 8 ноябргача Корея Республикасидаги Инха университетидаги Кабул комиссияси Ўзбекистонга таъриф буюрди. Бу ҳақда Тошкентдаги Инха университетининг сайти хабар бермоқда.

Таърифдан мақсад Корея Республикасидаги Инха университетида таълим олиш учун Jungseok International School of Global Studies (Jungseok ISGS, Глобал таълиқотлар халқаро мактаби) дастури доирасида талабаларни танлаб олишдир.

«Jungseok ISGS» дастури ёшларга Корея Республикасидаги Инха университетида таълим олиш ҳамда глобал таълиқотлар соҳасида бакалавр даражасини олиш имконини беради. Дастур доирасида аълочи талабаларга грантлар бериш кўзда тутилган.

Мазкур дастур глобал бизнес соҳасида етакчиларни тайёрлашга қаратилган ҳамда халқаро бизнес, халқаро савдо, моддий-техник ва маданий бошқарув соҳасидаги асосий мавзуларни қамраб олади. Барча курслар инглиз тилида ўтилади.

Корея Республикасидаги Инха университетида таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун абитуриентлар ҳужжатлар тўплами ҳамда 5,5 баллдан кам бўлмаган IELTS сертификатини тақдим этишлари шарт.

IELTS сертификати 7,0 баллдан юқори бўлган абитуриентлар Корея Республикасидаги Инха университетининг грантига эга бўлишлари мумкин.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ



Уш ва Қиймжон ЗИЕВОВ олган суратлар.

ПАСТДАРҒОМНИНГ БУГУНГИ ЖАМОЛИ

Пастдарғом Самарқанд вилоятининг энг йирик туманларидан бири бўлиб, ҳудудда 325 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Истиқлол йилларида туманнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти юксалди, аҳолининг турмуш фаровонлиги яхшиланди. Бугун туман маркази ва қишлоқларининг кўрки, таровати кўзни қувонтиради. Жума шаҳридаги «Ёшлар боғи»дан республикамизнинг турли томонларидан келаётган меҳмонларнинг қадами узилмайди. «Шарқ тароналари» фестивали меҳмонлари — хорижлик санъат намояндalари ҳар гал ушбу боғда меҳмон бўлишadi.

— Истиқлол йилларида туманимиз таниб бўлмас даражада ўзгарди, ўзбек халқининг ҳаётида юз берган ижобий ўзгаришлар пастдарғомликлар тақдирда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди, десак, асло муболага бўлмайди, — дейди туман ҳокими **Вохид Раҳимов**. — Эски тузум даврида ҳудудда атиги 2 саноат корхонаси, яъни пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш заводи бор эди. Улардан чиқади-ган чанг-тўзон, шовқин-сурондан ён-атрофдаги хонадонларда яшаётганларнинг юраги безиллаб қолганди. У кунлар энди ўтмишда қолди. Ўтган 25 йил давомида саноат корхоналари сони 243 тага етди. Шулардан 8 таси қўшма корхонадир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон — Буюк Британия — Россия иштирокида очилган қўшма корхона — «Ўзбиокмбинат» масъулияти чекланган жамияти ўз салоҳиятига кўра, нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. 27 гектар майдонни эгаллаган ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган ушбу даргоҳда 60 дан ортиқ турдаги ветеринария препаратлари ишлаб чиқарилади.

Туманнинг «Кимёгарлар» маҳалласидаги кичик саноат ҳудудиди эса полиэтилен,

пластмасса маҳсулотлари ва бошқа кўплаб халқ истеъмоли моллари тайёрланмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги пастдарғомликлар ҳаётида асосий ўрин тутadi. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар туфайли фермерлар ҳаётида тўб ўзгаришлар юз берди. Муқаддам етиштирган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қаерга, кимга сотишни билмай саргardon бўлган қишлоқ ахлининг мушқули осон бўлди. Мева-сабзавотларни қайта ишлаш, қуритиш, қадоқлаш йўлга қўйилганлиги туфайли туманда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг экспорт ҳажми йил сайин ошмоқда.

Биргина «Чаросагроузумлари» масъулияти чекланган жамиятга қарашли фермер ҳўжаликлари хорижлик ҳамкорлар билан уч минг тоннадан зиёд узум етиштириб бериш шартномаларини имзолагани ҳам фикримиз далилидир. Мазкур жамиятда ҳосилнинг қарийб 7 минг тоннаси қайта ишланади. Иккита совутиш омборхонасида қиш заҳираси учун тонна-тонна узум сақланади.

Айни пайтда фермер ҳўжаликлар пахта ва ғалла етиштиришдан бошқа соҳаларга ҳам ихтисослашмоқда. Сер-

ҳосил экинзорларда картош-ка, полиз маҳсулотлари, саб-завотдан мўл ҳосил олинмоқ-да. Чорвачилик, балиқчилик, асаларчилик ва бошқа тар-моқлар ривож топмоқда.

Кейинги беш йилда туман-да улкан бунёдкорлик ишла-ри амалга оширилди. 124 умумтаълим мактабларининг асосий қисми янгидан қури-ди, таъмирланди ва капитал реконструкция қилинди. 14 касб-ҳунар коллежларини ҳар йили 4000 нафардан ортиқ

Мустақиллиги-мизнинг 25 йиллиги арафасида «Ким эди, ким бўлди, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» шиори остида коллеж битирувчиларининг тақдирлари ўтказилди.

ўқувчи битирмоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фао-лиятига кенг йўл очилганлиги ёшларнинг бандлигини таъ-минлабгина қолмасдан, улар-нинг келажака бўлган ишон-чини янада орттирмоқда.

Айни пайтда ҳар бир би-лим маскани ўз спорт залига эга. Тадбиркорлар томонидан фақат кейинги бир йил ичи-да 17 та сунъий қопламали футбол майдонлари қуриб, фойдала-нишга топширилди.

Лойиҳа қиймати 2 мил-лиард 145 миллион 800 минг сўмлик ёпиқ сув ҳавзаси ви-лоят туманлари ичида бирин-

чи бўлиб бунёд этилгани аҳолига катта совға бўлди. Сув спортининг ривожланиши учун яратилаётган ушбу қулай-лик туфайли спорт билан шу-ғулланаётган ёшлар сони се-зиларли даражада ортди.

2015 йилда Диёра Келдиё-рова, Жаҳонай Туркманова, Нурбек Бердиёров, Тўрабек Тиркашев сингари пастдар-ғомлик ёшлар спортнинг дую-до, самбо, юнон рум кураши турлари бўйича жаҳон чем-пиони бўлганликлари ҳам ушбу фикрнинг исботидир.

Ўтган йили Ўзгалкент кўрғониди лойиҳа қиймати 4 миллиард сўмдан ошадиган муҳташам боғ ҳамда 2800 ўринли амфитеатрнинг бир қисми ҳашар йўли билан бун-ёд этилди. Туман марказида анча узокликдаги бу маскан-да, бугунги кунда турли хил-даги маданият-маърифий тад-бирлар ўтказилмоқда.

— Аҳолининг ижтимоий му-ҳофазаси асосий эътиборда, — дейди **Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши-даги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Бахтиёр Шукров**. — Айниқ-са, қишлоқ ҳудудларида аҳоли бандлигини таъминлаш, маъ-навий-маърифий тадбирлар қўламини чекка ҳудудларга қўчириш борасида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Ту-маннинг Сайрам қишлоғида кўлда гилам тўқиш цехининг очилгани ҳам фикримизнинг исботидир. Сайрам ва Канал-ёқа қишлоқ аёллари бугунги кунда ипак тоаларини бўяш технологиялари, нақшлар яра-тиш силрларини ўзлаштириб, «Ўзбекистонда ишлаб чиқари-ган» ёрлиги билан маҳсулот чиқаришмоқда. 40 нафарга яқин қиз-жувон чекка ҳудудда барча шарт-шароитлари яра-тилган муҳим иш ўринларига эга бўлганликларидан мамнун.

Ҳикматлар



ИНСОФ САРИ БАРАКА

Халқимиз инсофлилик ва одилликни энг яхши инсоний фазилатлардан деб билади, умрининг баракаси ҳам, ҳаётдан кўрайдиган моддий манфаатининг баракаси ҳам аввало инсофдандир, деб ҳисоблайди. Турдошлари: «Инсофи йўқнинг — имони йўқ». Утмишда имонни да-рахтга ташвиҳ этганлар. Бу «имон дарaxти»дан бешта шох: инсоф, ҳаё, адолат, шафқат, марҳамат «шоҳ»-лари униб чиқади, кишида мана шу беш фазилатнинг лоақал биттаси бўлса ҳам, унинг имони бор бўлади, би-рортаси ҳам бўлмаса — бу унинг имонсизлигидан дало-лат беради, деб ҳисоблаган-лар. «Инсофи одам — оши-ни ер, инсофсиз одам — бо-шини ер» деган мақол ҳам борки, бунда инсофлиқнинг нисояси хайри эканлиги, ин-софсизликнинг эса оқибати ёмон бўлиши ўқитилган.

ИП ИНГИЧКА ЕРИДАН УЗИЛАДИ

Бу билан мазмуни яқин бўлган «Ўғри ҳам деворнинг нахра жойидан тушади» де-ган мақол ҳам бор. Мазкур мақоллар билан мижозан: «Кишининг ишдаги зоҳиран кўза ишмайдиёган кичкина камчилик, нуқсон (булар юқоридаги мақолларда «ин-гичка», «нахра» деб таъриф-ланган) ҳам вақти келиб катта зарара, хавф-хатар-га олиб бориши мумкин. Ҳар бир нарсанинг ана шу оғиз еридан ишқал чиқади. Фаним-лар, нияти бузуқлар учун бу оғизлик қўлайлик тугдира-ди, улар кишининг шундай жойини қидириб юрадирлар. Шундай экан, ҳар бир нарсанинг ҳеч бир ери «ингичка», оғиз, нуқсонли бўлиб қоли-шига асло йўл қўймаслик ке-рак, деган маънода насиҳат қиладилар.

ФУТБОЛ

ЧЕМПИОНЛИК КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Яна учта турдан сўнг, футбол бўйича Ўзбекистон XXV миллий чемпионати олий лига баҳслари якунланади. Мавсум охиридаги сайин учрашувлар янада муросасиз ва шиддатли тус олмақда. Бунни кунча поёнига етган йигирма еттинчи тур ўйинларида қайд қилинган натижалар ҳам тасдиқлаб турибди.

Турнинг марказий учрашувларидан бири Тошкентда «Локомотив» — «Насаф» жамoалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда дарвозаларга бешта тўп киритилди. Яқунда рақибга нисбатан аниқроқ ҳаракат қилган темирўйчи-лар муҳим уч оқини қўлга киритди-лар — 3:2.

Яна бир қизиқарли баҳс Наманган-да кузатилди. Олий лигада ўз ўрини сақлаб қолишга уринаётган «Навба-хор» Навойнинг «Қизилқум» жамoа-сини қабул қилди. Унда Илхом Юну-сов ҳамда Вохид Шодиевлар кирит-

ган голлар навоийликларга ғалабани тақдим этди — 0:2.

Мазкур турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Бу-нёдкор» — «Металлург» — 1:0, «Олма-лик» — «Андижон» — 0:0, «Шўртан» — «Обод» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Қўқон-1912» — 1:1, «Нефтчи» — «Бухоро» — 0:1, «Машъал» — «Пахтакор» — 0:0.

Йигирма саккизинчи тур учрашув-лари 3-4 ноябрь кунлари бўлиб ўтди.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Йигирма еттинчи турдан кейинги вазият:

	Ю	Д	М	Т-Н	Очко
1. «Локомотив»	20	5	2	71-23	65
2. «Бунёдкор»	18	7	2	45-11	61
3. «Насаф»	16	6	5	52-23	54
4. «Бухоро»	15	7	5	36-24	52
5. «Пахтакор»	13	6	8	42-27	45
6. «Қизилқум»	12	8	7	37-30	44
7. «Металлург»	12	7	8	40-29	43
8. «Шўртан»	11	2	13	40-46	35
9. «Машъал»	10	4	13	32-38	34
10. «Сўғдиёна»	9	7	11	22-32	34
11. «Нефтчи»	9	4	14	27-38	31
12. «Олмалик»	8	2	17	39-52	26
13. «Навбахор»	6	4	17	35-59	22
14. «Қўқон-1912»	6	4	17	26-53	22
15. «Обод»	5	4	18	25-50	19
16. «Андижон»	5	3	19	19-50	18.



MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

Tahrir hay'ati:

Abdulla OROPOV	Saidkamol XODJAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV		Tat'yana KISTANOVA
		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma tabaq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
9603
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20:59
Topshirilgan vaqti — 01:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

7720107633006

1 2 3 4 6

